



ОНА ТИЛИМ

Навоийдан табаррук зар, гавхарим, Кошгарийдан қолган дурдона тилим! Ўзбекнинг ўзидай жафоқаш, хақтўй, Донишим, латифим, мардона тилим!

Улғу она тилим, о гўзал исмат, “Ҳибат ул-хақойик” сўйласин бир-бир. Навоийни берган соҳиб қудрат, Азал қотибидан сен илоҳий сир!

Қутдуг она тилим, кечмишинги дол, Тиллари кесилган боболар айтсин. Ойбек айтсин, ҳақсизликдан гунгу шол, Буюк ёлгонлардан адолар айтсин!

Кафансиз кўмилган шахидлар ёдин Шу қонли чоҳ айтсин! Чирмашиб ётган – Қабрида ҳам ўйлаб, мунгли эл дардин, Ҳатто сўнгалари бирлашиб ётган!

Айтсин аламазон ёнган китоблар, Қурбон қушдай тўзган сўзлар гулҳанда, Кесган сари ўсдин! Суран софлар, Озодликдай унди қулда, қундада.

Судсиз отилган Қодирий кўзига Додлаб тушган қора тупроқлар айтсин! Машраб осилган дор айтсин, юзига, Қон сачраб, инграган япроқлар айтсин!

Усмон Носир руҳи айтсин уриб чарх, Қон туғлаб Сибирда юрак-бағри сил. Асрамоқни уйда қилмадинг-ку чарх, Қандоғам чидадинг, жоним она тил?!

Узун йиғи келар қати қатиндан, Узун йиғилардан қуриган кўзим. Бугдойзорларингни топтаганларга Бугдой ноилар тутган о, бугдой сўзим!

Чўлпонга тутилган ўлим қадаҳи, Хиёнат захридан ҳамон оқар қон. Эй ярадор қушим, жоним чаҳ-чаҳи, Сен Бобур – соғинча адо бўлган жон!

Тириклик нишоним ўзинг, эрк туғим, Мангу оқар дарём сенинг ўзингсан! Ўзбек тили жаҳон аро қутлнгсан, Шараф тожим, унвоним, оқ юзимсан!

Ўзбек онасизис ғарибдир очун, Тафаккур бешиги тебранмасди соз. Биргина Навоийни тукқани учун Дунё таъзим қилса ўзбекка бу оз!

Тафаккур уфқида офтоб янглиг балк, Хурлик бўлиб чиққан, майдона тилим! Чарх ур олам узра, қабутардай чарх, Озод, хур ватаандай, афсона тилим!

Энаҳон СИДДИҚОВА, Ўзбекистон халқ шоири

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Кўча юзидаги кети узилмаётган, ғиж-ғиж хорижий ва русча номлар, пешлавлар ҳамда реклама-лар орасида лип этиб ўзбекча ном кўрингандек бўлди, бу “Ёлғиз ёғоч ота қабристон” экан...

Тўғри, Тил байрами арафасида кўчаларда ўзбек тилини улугловчи катта ёзувлар кўзга ташланаётди. Аммо байрам ўтгач, реклама панноларидаги бу ширларнинг ўрнини яна ўзга тилдаги рекламалар эгалламайдими? Масалан, яқинда Ширин дехкон бозори муолишидаги катта паннода “Тарихимсан, тақдиримсан, келажакимсан, она тилим” деган ёзув пайдо бўлди. Аммо тевақал-атрофда, дўкону ошоналардаги деярли ҳамма ёзувлар ўзга “қоришик” тилларда бўлгач, бу ширдан мантқ топиш, самимилигига қандай ишонш мумкин? Ҳамма жойда катта-катта қурилшлар, ободончилик ишлари авжида. Лекин негадир янги кўпқаватли уйларнинг номланиши ажнабийча, рекламалар, сотиш ҳақидаги эълонларнинг бариси – ўзга тилда: “Акай сити. Жилой комплекс “Палаззо”. Колл центр. Чо рядом? Детский сад, базар, школа” ва ҳоказо.

Бу гаройиб ёзувлар вақтинчалик, омонат эмас, аксинча тунда порлаб, турфа рангда жилваланиб турувчи катта-катта панноларда ёзилган. Панноларни замонавий ашёлардан яшаш ва ўрнатиш, кечаю кундуз электр билан ёритиш қабиларга озмун-

ВАТАНПАРВАРЛИК МЕЗОНИ

ча пул сарфланмаса керак. Аммо инсонлар онгига, тилимиз софлигига етказиб қўйилган зарарини пул билан ўлчаб бўлармикан? Ҳар кун кўзингиз тушадиган ёзувлар ва жой номлари тегида хотирага-онгга ўрнашади, истаймизми-йўқми, сўзлашиш ва фикрлаш тарзимизда акс этади. Бейхитёр чиптачи боланинг сўзлари қулоққа чалинади: “Запраезд тўлаб кўйинглар!”, “Мойка”, “Бугор”, “Райгаз”да тушадиганлар, тайёрланиб туринг...”. Йўловчиларнинг, “поворотда тўхта кетинг”, “пажаркада тушиб қоламан”, “Набережний, пешеходда ташлаб кетинг”, деган сўзлари ҳам қулоққа таниш, синглишиб кетган. Аксарият ошхоналар пешлавласидан тортиб, таомномагача ўзга тилда, ваҳоланки, ўзга тилда сўзлашувчи миждоз бу жойини топиши ва таом буюртма қилишида ҳеч бир муаммо йўқ-ку! Уйига “продаётся” деб ёзган кишидан, “Харидорларингиз бошқа миллатга мансубми?” десам, “Йўқ, бу жой қадимий ўзбек маҳалласи-ку?” дейди. Унда, эълон нега рус тилида ёзилган?

Ўзбекчилигимизга хос қизиқ бир ҳолат мавжуд: ўзга миллатга мансуб одам бирор нарсани сўраса, қўлидан келса-келмаса, унга русча жавоб беришга ҳаракат қилади. Русчани билмаса, росмана хижолат тортади. Аксинча, кўча-куйда рус миллатига мансуб кишидан бирор нарсаси сўрасангиз, у сира тортинмасдан, уялмасдан, хотиржам, ўз тилида сизга тушунтира бошлайди. Очиги, уларга ҳавас қилса арзийди – ўз тилини бузмасдан, бегона сўзларини аралаштирмай соф гапирди. Биз ҳам ўз тилимизда ана шундай эмин-эркин сўзлашимиз учун нима қилмоқ керак? Русийзабон ҳамюртлар, “Ўзбек тилини ўрганишимиз учун эҳтиёж ва муҳит йўқ”, деб жуда тўғри айтишади. Шу ўринда собик иттифок армиясидаги хизмат даврида ўзим гувоҳ бўлган гафлати ҳолат эсга туши: Туркменистонда яшовчи руслар туркманчани, тожикистонлик руслар эса тожикчани билишар, ҳамюртлари билан уларнинг тилида бемалол гапла-

шардилар. Ўша пайтдаги ўзбекистонлик рус ҳамюртлар эса ўзбекчани билишмасди. Чунки улар саховатли Ўзбекистонда туғилган, униб-ўсган бўлса-да, ўзбек тилини ўрганишга на эҳтиёж, на шароит ва на муҳит бўлган! Айб – аввало, ўзимизда. Яъни ўзбекчани ўрганишлари учун уларга имкон бермаганмиз...

Ҳарвардада ўзбек адабий тилини ўрганган америкалик олим Тошкентга келди. Аэропортда боқсонанининг гапларига эътибор берди: “Давай-давай. Толкучка кивормаларинг!” Ташқарида уни таксичилар ўраволиб, “Центр. Центр” деб шовкин кўтаришди. Меҳмонхонада “Ваши документи”, дейишди. Кўчада бир аёл бақир-япти: “Кислеее молокоооо!” Яна бир аёл эса “Капста, свежий чиснооок”, деб жўр бўлди. Олим эсим учун кафега кирди. “Ужин ё абет”, деб сўрашди ундан. Меҳмон елкасини кисди, анжанлик официант, “Сабойта-ми?” деб сўради. Ташқарида чиқишда мелиса келиб, “Ваши документи”, деди. Олим ўз дафтарида: “Мен Тошкентга келиб, ўзбекча билмаслигимни билдим”, деб ёзиб қўйди... Бу балки, хангома тарикасидаги гаплар, аммо тилимизнинг бутунги аҳоли, кўча-кўйдаги муомала тарзимиз – ўзимизга жуда яхши аён-ку.

Бугун хорижий тилларни ўрганишнинг аҳамияти муҳимлигини ҳамма билади. Аммо, энг аввало, ўз тилимизни мукамал билиш орқалигина “жаҳон айвони”га мағрур чиқишимиз ҳақида Президентимиз алоҳида таъкидлаганлари асло бежиз эмас. Аҳами-

яти ҳар қанча юксак бўлмасин, хорижий тилларни ўрганиш, ўз она тилимизни инқинчи даражага тушириш, уни мажруҳ этиш эвазига бўлмаслиги керак. Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадий дурдоналар яратганлар. Миллий тил – давлат мустақиллигининг асосларидан биридир. Ўзбек тилининг мавқеи – жаҳонда миллатимиз, мустақил давлатимизнинг мавқеи, қуч-қудрати, демокдир. Юртимизда Истиқлол йўлидаги илк саъй-ҳаракатлар ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш борасидаги курашлардан бошланган эди.

Ўтган йили, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллиги тантанасида Президентимизнинг нутқида бу улкан ҳақиқатлар фахр-ғурур ила тилга олинди. Шунингдек, давлат раҳбарининг ўтган йили қабул қилган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони халқимизнинг айна кўнглидаги иш бўлди. Чунки бу Фармон, тилимизнинг мавқеини кўтариш, унинг бетақдор гўзаллигини бутун оламга ёйишдек эзгу ҳаракатлар учун кенг қамровли дастур бўлди. Бу ҳужжатда Ватанпарварлик, Ўзликни англаш, Маънавият ва маърифат, Баркамол авлодни тарбиялаш, она Ватан шон-шухратини дунёга ёйиш каби долзарб масалалар қамраб олинган. Президентимизнинг мазкур Фармони ижроси тилшунослар, адабиётшуносларгагина эмас, балки ҳар бир юртдошимизга бирдек тааллуқли.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Ижтимоий объектларга ном бериш – шунчаки шахсий ёки ҳуусий иш эмас. Бу барчамизнинг ватанпарварлик ва маънавий савиямизни яққол кўрсатадиган ўзига хос мезондир. Бунинг ҳеч қанча ҳеч қачон унутмаслиги керак”.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

БЕТАКРОР ИЖОДҚОР ЭДИ



Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудоллика учради. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳақимов шу йил 11 октябрь кунини 69 ёшида вафот этди.

Саъдулла Ҳақимов 1951 йил 25 мартда Жиззах вилоятининг Фориш туманида туғилган. 1977 йили Тошкент давлат (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетини тамомлаган.

У ўзининг ижодий ва меҳнат фаолиятини Ғаллаорол туманида ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик, “Ўзбекистонда социал таъминот” журнали масъул қотиби, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида бўлим мудирини, масъул қотиб, бош муҳаррир, “Маърифат” газетасида бош муҳаррири, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари, “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлиги бош директори каби вазифаларида самарали меҳнат қилди.

Саъдулла Ҳақимов ўзининг сермазун, бадий юксак шеър ва достонлари, драматик асарларида она юртимиз ва халқимизга, миллий қадриятларимизга меҳр ва садоқат туйғусини катта маҳорат билан тараннум этди. Унинг бетақдор ижоди миллий руҳи ва халқчилиги, ҳаётийлиги билан адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади. Шоирнинг “Ҳамал тонлағари”, “Сен қутган баҳор”, “Ёз оқшоми”, “Она сўз”, “Сайланма”, “Кўнгли юзи”, “Кўҳна нақл”, “Юрт ўғлони” шеърый китоблари адабиёт ихлосмандларига яхши таниш.

У моҳир таржимон сифатида Гёте, Пушкин, Лермонтов, Есенин, Юнус Эмро каби таниқли немис, рус ва турк шоирларининг асарларини ўзбек тилига ўгириб, миллий адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўлди.

Саъдулла Ҳақимовнинг сўнги йилларда нашр этилган “Сайланма”, “Бола Ботир”, “Кўнгли юзи”, “Кўҳна нақл”, “Оксарой” номли китоблари ҳамда вақтлий матбуотда чоп этилган шеър ва достонларида истиқлолнинг халқимиз ҳаётидаги тарихий аҳамияти авж пардаларда тараннум этилган.

Саъдулла Ҳақимов кейинги вақтларда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси сифатида мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳа ходимларига зарур шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратиб келди.

Саъдулла Ҳақимов 1996 йилдан 2000 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентини девони Ахборот маркази раҳбарининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жамоатчилик билан алоқалар бўйича Давлат маслаҳатчиси ўринбосари каби масъул лавозимларда самарали фаолият олиб борди.

У тажрибали ижодкор, жонқуяр ташкилотчи сифатида кўплаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилди.

Саъдулла Ҳақимов Ватан ва юрт олдидаги хизматлари учун “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони, “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланган.

Таниқли шоир, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Саъдулла Ҳақимовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Болгариялик адиба Мария ФИЛИПОВАга МАКТУБ

Ассалому алайкум!

Мен “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг шу йил 1 сентябрдаги сонидан чоп этилган “Кўлим кўксимда” сарлаҳали мақолангизни ўқиб, ғоятда таъсирландим. Сиз Болгариядан Ўзбекистонга келиб, олий даргоҳда билим олиб, кейинчалик ҳам бу юртни унутмабсиз, дўстона алоқаларни давом эттирибсиз. Юртимизнинг иссиқ қуёши, мусаффо ҳавоси, тоза осмони ва меҳрибон одамлари мудом сизни ўз оғушига чорлаб турганлигидан хурсанд бўлдим.

Газетада босилган мақолангиз менга болалигимдаги бир хотирани эслатди. Шу сабаб ушбу хатни йўллашга қарор қилдим.

...Иккинчи жаҳон уруши йиллари эди. Ўшанда чамаси 6 ёшларда эдим. Уруш бўлаётган мамлакатлардан Ўзбекистонга кексалар, аёллар ва болалар кўчирма қилинарди. Улар ўзбек хонадонларига жойлаштирилди. Бизнинг уйга ҳам болгариялик бир аёлни икки боласи билан бошлаб келишди. Ўғлининг исми Хаскил, кизининг исми Мартя экан (Мақолангизни ўқиб бу ўша Мария эмасмикан деган фикр ҳаёлимдан ўтди). Ота-онам уларни яхши қарши олишди. Улар яшайдиган хона тартибга келтирилиб, керакли нарсалар (бордон, шолча, лампа чироқ, идиш-товуқ ва бошқалар) билан жиҳозланди. Меҳмонлар дастлаб тортиниб туришди, кейин ота-онам кўрсатган илтифотлардан қувониб, биз билан аҳил-инок бўлиб кетишди.

Онам нима пиширса уларга ҳам илиниб турарди, бир оиладек яшай бошладик. Ўша вақтларда уруш туйғули етишмовчиликлар кўп эди. Шундай бўлса ҳам топганимизни улар билан баҳам кўрардик. Отам уларнинг кўнглини кўтариб, бу вақтинча

эканлигини таъкидларди. Аёлнинг ўғли билан акам ўртоқ бўлиб олишди, опам эса (у Мартя билан тенгдош эди) кизига миллий таомлар пиширишни ўргатарди, ўзбекча урф-одатлар ва расм-русумлар ҳақида гапириб берарди. Орадан кунлар, ойлар ўтди. Кунлардан бир кун улар, руҳсат беришди, кетадиган бўлиб, деб қолди. Шундай қилиб йўл тадоригини кўра бошлашди. Бир маҳал онаси бир нарсани йўқотгандай безовта бўла бошлади. Отам нима гап экан, деб уйга кириб қараса, бордон шолчалар четга йиғилган ва хонанг (полсиз хона) уч-тўрт жойи қавланган. Отам аёл билан нимадирлар ҳақида гаплашишди. Кейин отам белқурак олиб кириб 2-3 жойини қавлади ва аёл кўминг қўйган нарсани топиб берди. У ичига пул солинган банка экан. Аёл хурсанд бўлиб отамга миннатдорчилик билдирди, хона қавлангани учун отамдан уэр сўради. Биз уларни кузатиб поезд станциясигача бордик. Ҳаммалари биз билан самимий хайрлашди ва, албатта, Болгарияга борингллар, биз сизлардан қарздоримиз, деб манзилларини ёзиб қолдиришди. Афсус, улар ёзиб қолдирган қоғоз йўқолганлиги сабабли биз Болгарияга бора олмадик.

Биз улар билан дўстона яшаган эдик. Шунинг учун бўлса керак, ҳанузгача эслаб тураемиз. Урушнинг оғир кунларида бир болгар оиласи билан ўзбек оиласининг дўстона муносабатини ушбу мактубда қисқача баён қилдим. Агар бу воқеа асарларингизда ўз ифодасини топгудек бўлса, ҳар икки давлатнинг дўстлиги қадимий эканлигига бир ишора бўларди.

Содик МҶМИНОВ, тарих фанлари номзоли

САОДАТ — ИЛМ ВА МАЪРИФАТДА

Кейинги йиллар мамлакатимиз учун буюк тараққиёт, изчил ривожланиш даврига айланди. Илдилари теран халқимизнинг орзу-умидлари ушалди. Биз эндиликда жаҳон ҳамжамиятида ЎЗБЕК деган номнинг баралла жаранглаётганини, дунё сарҳадларига дадил ва мағрур кириб бораётганини юрак-юракдан ҳис этаймиз. Ўзбекча сўз, ЎЗБЕК деган ном дунё минбарига жаранглаб турса, бундан фақат фахрланиш, ғурурланиш мумкин.

Мамлакатимизда илм-маърифат ва маънавиятнинг юксалиби бораётгани, маънавий соҳа ходимларига алоҳида хурмат ва эътибор билан қаралаётгани, айниқса, ижодкор зиёлиларни руҳлантирмоқда, илҳомлантирмоқда.

— Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида маъруза қилгани қалбларимизни фахр-ифтихорга тўлдирди, — дейди бекободлик оддий муаллим Абдумалик Гафуров. — Демак, она тилимиз жаҳон минбарига мардонанов, баралла жаранглади. Янги-янги ташаббус ва тақдирларнинг ўзбек тилида ифода этилгани жаҳон жамоатчилигини хайратга солди. Ахир, бундай дамларда ўзини ўзбек фарзандиман деган ҳар қандай инсон, албатта, фахрланади, ғурурланади.

Айтиш лозимки, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар илм-маърифат ва фан билан боғлиқдир. Буюк боболаримиз, айниқса, жадидчилик характери намояндаларининг ушалмаган орзу-истаклари, ўй ва армонлари бугун рўёбга чиқмоқда.

Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан ўтказилган йиғилишда нутқ сўзлаган давлатимиз раҳбари бу ҳақда айнан шундай сўзларни айтди: “Бу фидойий ва жонқуяр зотлар бутун умрларини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қоқоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни гафлат ботқоқидан қутқаришга бор куч

ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар”.

Жадид боболаримиз миллий уйғониш мактабдан бошланишини тақрор-тақрор айтган эдилар. “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас” деган ақидага ҳаётий эътиқодга, керак бўлса, қундалик ширга айлантдилар. Миллатимизнинг тили, ҳақ-ҳуқуқи, эркинлиги йўлида ўз жонларини ҳам амадилар. Халқ онгида миллий ғоя, миллий ўзликни уйғотиш учун илм, адабиёт ва санъатни байроқдор деб билдилар. Миллат душманлари эса она тилимиз, адабиётимиз, маданиятимизни йўқ қилиш учун тиш-тирноғи билан курашгани бор гап.

Бугун барча ўзгариш ва бунёдкорликларнинг пойдевори илм ва маърифат эканлиги ойдек равшан. Жадид боболаримиз илгари сурган ғоялар бугун ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан мактабга, ўқитувчи ва мураббийларга катта эътибор билан қаралаётгани ҳам ана шундан.

— Буюк боболаримизнинг анъанасига содиқ қолиб, келажак тақдирини, фарзандларимиз бахту камолини илмдан, маърифатдан изласак, асло кам бўлмаймиз. Ҳозирги ёш авлод ҳам, албатта, бунинг теран англайди, — дейди Пискент туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси Мархабо Қурбонова.

Дарҳақиқат, юртимизда янги даврга пойдевор қўйилмоқда. Албатта, бунинг масъулияти ва юки жуда оғир. Чунки илм қатла машаққатлар, тинимсиз меҳнат эвазига юзга келади. Бугунги авлод Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган экан, Ватанимизнинг бутунги зукко ёшлари аждодларимизга муносиб ворис бўлгусидир. Улар аждодларимиз тўлдиринишга улгура олмаган кемтикни тўлдириб, илм-фанни юксак чўққига олиб чиқишига жуда-жуда ишонгимиз келади:

Ашуралӣ БОЙМУРОД

Зулфия МЎМИНОВА



Она тилим

Она тилим олтиндан қиммат,
Сенсиз қолсам ким бўламан мен?
Борса-келмас йўлларда гойиб,

ОНА ТИЛИМ ОЛТИНДАН ҚИММАТ

Куйган нондек исрофлигим, айт!
Бухорийдек имонлигим, айт!
Термизийдек инсофлигим, айт!

Тиканлар устида ётсак, майлими?
Кумга олтин қаби ботсак, майлими?
Қиличлар дамидан ўтсак майлими?

Тоғдан лола бўлиб пастга йўл олсак,
Бизни оларми деб термулсак, толсак,
Довонда қимнингдир қўлида қолсак,

Олмалар тўкилди Боғишамолда,
Қалбимнинг султони, хабарингиз йўқ.
Хижрон музликлари ютди бу ишқни,

Ҳол Мухаммад ҲАСАН



Алломишнинг қайтиши

Сунбула, сунбулсоч бойбича,
Ойлар ойдин, кара бу кеча.
Аждодин эслашиб алла айт,

Э Л О Б О Д У Ю Р И О Б О Д

Қўнғиротнинг ботир беклари,
Чакманин тешғудай туқлари.
Яғрини ер исин кўрмаган,

Ҳаммадан ҳалол ўздинг,
Зўрсан ўзинг, зўр дарё.

Биров ювиб, ямоқ солган,
Биров йиртиб, ўйиб ўтган.

Оқизоқ олмасин олмасдим,
Гўё ҳеч эътибор қилмасдим,
Эртага не бўлар, билмасдим,

Норларим, номусим, орларим,
Бўридай танги, мард, зўрларим.
Қутлуг бўлсин давру давронинг,

Мен бағрингда кўз очдим,
Киндик қонини сочдинг.
Бир гал ёмон обқочдинг,

Қирқ қулоқли бу дошқозон,
Қайнар унда обиёвгон.
Қорни ёриқ, нафси ёмон

Шўх эди, ваҳ, бирам шўх эди,
Толендан кўнгли тўқ эди,
Кўнглида зарра кир йўқ эди,

Бахши шу қўшиқни айтди-яй,
Ой ботиб, тонг тиниқ отди-яй.
Эл обод, юрт обод, бойбаёт,

Отам сен-ла чўл қувди,
Онам сенда шўр ювди,
Қандай сир яширувдинг?

Чархи нобоб тоштегирмон
Дўлга тушган қолмас омон.
Оқаргунча хар битга дон

Отаси жуда жоҳил эди,
Қорунбойга ҳеч, доҳил эди,
Бадфёъл ҳам баджаҳл эди,

Сирдарё

Ай, Сирдарё, Сирдарё,
Ай, асов айғир дарё,
Қўкка сапчийсан тинмай,

Ҳамроҳим бўл, ҳамдам бўл,
Тўл, тўлиб-тош, бардам бўл.
Бизни қутмоқда оқ йўл,

Дунё, дунё, дунё – ёлгон,
Бу гап эскилардан қолган.
Бою боён, оқил, нодон,

Йил ўтди, ой ўтди, кун ўтди,
Лойқа сувларни қўл тинитди.
Қилиқли қиз мени унутди,

Бахши бир термани айтди, де,
Зимистон битди, тонг отди, де.
Энди Отаюрт озод, дегин,

Оқ ай, дарё, бир дарё,
Оғадарём – Сирдарё.

Бу дунё

Ўнгиб тўзган кўҳна чопон,
Ҳар келган бир кийиб ўтган.

Оққушлар

Қилиқли кизни хуш кўрардим,
Қилиқларини туш кўрардим.
Қошларин учирса, чашмага

Туш кўрдим, кеча бир туш кўрдим,
Сувсаган икки оққуш кўрдим.

Гулчехра АСРОНОВА



Шахарчамизда шов-шувга сабаб бўлган
фотокўргазмага ошиқиб етиб бордим:
газетага хабар ёзишим керак эди, бироқ

илғаш ва “тутиб қолиш”гача неча фасл алмашди
экан? Ё Исломжонни топиб, ҳаммасини ўзидан

Мохларой зийраклик билан муддаога ўтди.

тонг товланишларини ҳис этдим. Унинг “Худо
хоҳласа” деб бошланувчи мана шу тонглар

ҲИКОЯ

сўзларди. Чизишдан тўхтамади, аммо кейин-
чалик нияти ўзгарди. “Энди Исломжон рассом

– Бир куни эрта тонгда, укасини мактабга
жўнағабатган пайтим мени чақириб қолди.

Унга оламнинг нақадар кенглиги ва ҳар
зарраси Яратганининг мўъжизаси эканлигини

Уқаси туғилган пайтлари Исломжон тўсатдан
огриб қолди. Ўшанда бошимиздан ўтган

– Кўргазма ташкилотчилардан бирини топиб,
Исломжон ҳақида сўрадим ва... устимдан совуқ

Адашмабман, сал ўтмай у ўғлини гўдакни
ётқизгандай осонгина ёнбошлаштиб,

– Афғус... У дунёсини берсин. Исломжон
ўшанда неча ёшда эди?

– “Тонг”ми? Бу тўшакка миҳланган йигит
олган суратлар. Электрон почтадан олганмиз,

Мохларой бир лаҳза тарадудланиб, жим
қолди.

– Тўрт ёшда, дадасини элас-элас билди. Ал-
лоҳнинг қудратига хайронлар қоламан, опа.

...Исломжоннинг уйига торгина йўлақдан
борилар экан. Мен кенг, мўл ховлида турса

Биз чорсидеккина мевазорнинг бир четиди-
га сўрига ўтирдик. Ҳавода ўрик гулининг сези-

– Мановид шайтон, Моҳларой. Болангиз хали
ёш, тузалиб кетади.

– Майлими, мен ҳам...
– Албатта, – дея Моҳларой ўзини четга олди

– Исломжоннинг дадаси... болаликда рассом
бўлишни орзу қилган экан.

– Ҳа, Худодан умидимиз бор. Кеча пойтахт-
дан келиб кўрган шифокор кўнглимни кўтариб

ва мен Исломжоннинг бош тарафига ўтдим.
Ҳа, бу ўша ракурс!

– Тўғриси, мундайроқ суратларимиз ҳам бир
фарам, сиз энг яхшиларини кўрдингиз.

– Мановид шайтон, Моҳларой. Болангиз хали
ёш, тузалиб кетади.

– Яшанг, ўғлим, зўр суратлар олибсиз, – дедим
ўрининг оёқ томонига омонат ўтириб.

– Мановид шайтон, Моҳларой. Болангиз хали
ёш, тузалиб кетади.

– Мановид шайтон, Моҳларой. Болангиз хали
ёш, тузалиб кетади.

– Мановид шайтон, Моҳларой. Болангиз хали
ёш, тузалиб кетади.

– Мановид шайтон, Моҳларой. Болангиз хали
ёш, тузалиб кетади.

– Мановид шайтон, Моҳларой. Болангиз хали
ёш, тузалиб кетади.

ТОНГ ЁҒДУСИ

Нега муаллиф фақат бир жойда, уй ичида туриб
ишлабди? Шафақнинг бундай рўйларини

– Мановид шайтон, Моҳларой. Болангиз хали
ёш, тузалиб кетади.

– Мановид шайтон, Моҳларой. Болангиз хали
ёш, тузалиб кетади.

– Мановид шайтон, Моҳларой. Болангиз хали
ёш, тузалиб кетади.

# МИЛЛАТПАРВАР

*Жорий йилда Ўқитувчи ва мураббийлар байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармонида кўра, бир гуруҳ ватандошларимиз давлатимизнинг турли унвон ва орденлари билан тақдирланди. Мукофотланганлар орасида Ватанимиз истиқлоли, халқимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида фидокорлик кўрсатиб, миллий таълим ва тарбия тизимини яратилишига беқас ҳисса қўшган Мунаввар қори Абдрашидхонов ҳам бор. Бу инсоннинг “Буюк хизматлари учун” орденига муносиб кўрилагани айни мuddа бўлди.*

Халқимиз тарихида фожеали, мураккаб, айни пайтда улкан воқеаларга бой бўлган XX аср аввалида қадим Туркистондан етишиб чиққан кўплаб миллатпарвар зиёлилар юрт озодлиги, Ватан раънаки учун курашга отланганлар. Узоқ вақт давомда дунёдан узилган, жаҳолатта ботган, охир-оқибатда мустамлакага айланган Туркистон фидойи фарзандларга муҳтож эди. Бундай миллатпарвар зиёлилар орасида Мунаввар қори Абдрашидхоновнинг (1878 — 1931) шахси ва ижтимоий фаолияти алоҳида ўрин тутади.

Таникли архившунос, санъатшунослик фанлари номзоди Сирожиддин Ахмадининг Мунаввар қори асарларини тўлиқ жамлаган “Мен сендамен...” номли китоби ўтган йили чоп қилинди. Китоб аввалги “Танланган асарлар” (2003) нашридан муаллиф асарларининг тўлиқ камраб олингани, шоғирларнинг хотиралари, хориж матбуотида Мунаввар қори қатли муносабати билан чоп қилинган материаллар жой олгани билан фарқ қилади. Нашрга С.А.Ахмед томонидан ёзилган 75 саҳифали “Миллатпаноҳ” номли мазмундор сўзбошини маърифатпарвар бобомизнинг маърифий, ташкилий, сиёсий фаолиятига бағишланган яхши тадқиқот дейиш мумкин.

С.Ахмед Мунаввар қори шахси хусусида сўз юритар экан, биринчи гада давр ижтимоий-сиёсий жараёниларига диққатни қаратади, унинг етакчи омидаларини таҳлил қилади ҳамда адиб ҳаёти, фаолиятини айни жараёнлар сатҳида баҳолайди. Ўлка турмуш тарзининг колоквили илдини илмсизлик эканини ич-ичидан хис қилган Мунаввар қори бутун эътиборни маориф соҳасига қаратади. Унингча, миллат қаддини кўтариш учун, аввало, уни маърифатли қилиш зарур эди. Она юрт таълим тизимининг шиддат билан илгариллаётган тараққиётдан ортада қолганини яхши билган маърифатпарвар уни тубдан ислох қилишга киришди: “Ушбу уриниш унинг мактаб ва мадраса фаолиятини тамоман ислох қилиш фикрига олиб келади. У мадрасаларда асосий дарсларни араб тилида эмас, балки она тилида олиб бориш, ди-

шоғирди бўлган санъаткор Абдурахмон Акбаровнинг хотираларига кўра, у инқилобдан аввал маҳаллий ёшларни хорижда тахсил олишлари учун астойдил ҳаракат қилган ва талабаларнинг сарф-харажатини молиялаш мақсадида сармоядор кишиларнинг бошини ковуштира олган.

Мунаввар қори қадим Туркистон ҳаётининг барча томонлари ислохга муҳтожлигини кўриб, ўлканнинг сиёсий бошқарув тизимини ўзгартириш зарурлигини англайди ва бунинг учун ўзга мамлакатлар тажрибаси билан танишишга киришади: 1911 йилда “Турон” жамияти йўлнамаси билан Мунаввар қори дўстлари Самеъ қори Ризабоев, Ҳасан Саримсоқов билан бирга автономия асослари, турли ташкилотлар тузиш ишларини ўрганиш учун Финляндияга борган. Сабаби, Финляндия ҳам худди Польша ва Туркистон каби чор Россиясининг мустамлакаси эди.

Инқилобдан кейин мамлакат тепасига келган “янги ҳукумат” уни унчалик хушламаганига, доимий назорат остида бўлишига қарамай, бу фидойи инсон ўз фаолиятини давом эттириб, маориф идораларида сидқидилдан хизмат қилди, бир мuddат ҳибсга ҳам олинди. Янги даврда бир оз ишлаган муаллим бошқарувда миллий кадрларга эҳтиёж катта эканини тушунигани ҳолда 1923 йилда “Нашир маориф” уюшмасини таъсис этди ва унинг мақсадини шундай баён қилди: “Туркистоннинг ҳаёти, Туркистоннинг нажоти ёлғиз маорифга ва маданиятнинг тараққиёти эса шу “Нашир маориф” уюшмалари атрофида тўпланмоғига боғлиқдир”.

Архив ҳужжатларини, давр тарихий материалларини ҳамда махсус хизматлар “иш услубини” синчиқлаб ўрганган С.Ахмед Мунаввар қори ва унинг маслаҳатдошлари доимий равишда назорат остида бўлгани, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати тегишли ташкилотларга етказиб турилгани бўйича талай фактларни аниқлаган ва бу фактлар миллат фидойилари қандай мураккаб замонда иш кўрганликларини яна бир бор исботлайди.

Мамлакат бошқарув тизимида тўла ҳукмрон бўлган тоталитар услуб хурфиқ инсонлар тақдирини даъволаш роль ўйнади ва Мунаввар қори 1929 йилнинг ноябрь ойида қамолга олиниб, Москвадаги Бутирка турмасига жўнатилди. Турмада унинг хотиралари дунёга келади. Архив ҳужжатларининг синчиқов биландон С.Ахмеднинг таъкидлашича, бу хотираларга танқидий қараш керак, чунки улар катта босим остида ёзилган: “Агар сўроқ варақларидаги имзолар,



харфларнинг ёзилиши руҳий-графологик нуктаи назардан таҳлил қилинса, маҳбустлар матнларини аллақимларнинг таъйиқи остида ва улар фикрини кўшиқ ёзганлари маълум бўлади. Ҳар бир ишда ўта хотиржам бўлган Мунаввар қори дастхатида ҳам ўзгаларнинг фикрлари кўзга ташланиб қолади”. Бироқ оғир шароитда ёзилганига қарамай “... унинг хотираларида учрашувлар, суҳбатлар ҳақида гап бурса-да, ҳиёнат йўқ, дўстларини сотиш йўқ”. Китобдан Мунаввар қорининг бадий асарлари ҳам ўрин олган. Уларнинг аксари маърифий-ахлоқий мазмунда. Мана, бир шеърдан парча:

**Кўкларнинг исқаб сунбулини,  
Ўзим келар нозик гулни,  
Товни ёқимли бўлбуни  
Бир лаҳза сайратгим келар.**

**Кўрғим келар гулбоғини,  
Ёзим келар дил доғини,  
Васлинг-ла кўклар чоғини  
Бир-бирига ўхшатгим келар.**

Шеър бежиз “Орузу” деб номланмаган. Гўзал ва армонли орзу. Биз ушбу китоб юзасидан баъзи фикр-мулоҳазаларни билдириш билан чекландик. Ўйлашимизча, замонавий ўқувчи Мунаввар қори ва унинг маслаҳатдошлари ҳаёти, фаолияти, асарлари билан маслаҳатдошлари доимий равишда назорат остида бўлгани, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати тегишли ташкилотларга етказиб турилгани бўйича талай фактларни аниқлаган ва бу фактлар миллат фидойилари қандай мураккаб замонда иш кўрганликларини яна бир бор исботлайди.

Истиклол учун жонини фидо қилган жадид бобомиз Мунаввар қори Абдрашидхоновнинг бор бисотини илк маротаба шу тарихга тўплаб, изоҳлаб ва тадқиқ қилган захматқаш олимиз-Сирожиддин Ахмед меҳнати ва кетма-кет нашр этган китоблари юксак эътиборга лойиқ.

**Сувон МЕЛИ,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган  
маданият ходими,  
Абдурашул ҲАШИМОВ,  
Алишер Навоий номидаги  
давлат адабиёт музейининг  
илмий ходими**

## ОНА ТИЛИНИ ОНА ЎРГАТАДИ

Тилга эътибор, тилга меҳр оналарнинг тилга муносабатидан, тилни қанчалик ардоқлашадан, фарзандларига нечоғли ўргатишидан бошланади, деб ўйлайман. Чунки гўдак боланинг онги айрилган ҳар бир сўзни оҳанграб каби ўзида сақлайди, ҳаммаси унинг қувваи хофизасида жойланади. Халиям эсимда, 4-5 ёшлардаги кизалок эдим, онам янги қийим тикиб берсалар ёки отам бозордан янги қийим олиб келсалар меҳр билан қийғизар, “*Мани болам мизг йиллик, кўйлақлари бир йиллик*” деб алқардилар. Айниқса, отам халқ кўшиқларини яхши билар, менга кўп кўшиқлар айтиб берарди:

**Адида, хо адида,  
Сув келтирар қадиди.  
Қадини боғи узилсин,  
Келин бўлиб сўзилсин.**

Эх-хе, улар шунчалик кўп эди, шунчалик дилтортар эди... Болаликда эшитганларим ҳозир ҳам қулоғим остида янграётгандек бўлаверади.

Бундай шухуҳли ашулаларни эшитган ҳеч қайси бола, ҳеч қайси кизалок она тилимизга бефарқ бўлмайди. Яна ва яна эшит-гиси келади.

Афсуски, бугунги айрим оналарда болалар халқ ашулалари, мақолу маталлардан бебаҳра ўсмоқда. Бунга ота-оналар ва катталарнинг ўз болаларига кам вақт ажратаётгани, компьютер, ноутбукларнинг ҳаётимизни эгаллаб бораётганини сабаб қилиб кўрсатамиз. Кўча-кўйда эълонлардаги хатоларга ҳам қўниқиб қолдик. Шунинг орасидан болаларимиз ўз она тилларига беътибор. Ана шуларни ўйлаб неварам қилган маҳалламиздан юриб кетамиз, баршимиздан бир-бирини қува-лаб икки бола чиқиб келди. Бўйи пастроғи (афтидан укаси) бўйчанроғига биз болаликда эшитган халқ ашулаларидан барал-ла айтиб, бир-бирларини қува-лаб кетишди. Кўшиқ сўзлари неварамнинг қулоғига ёқди шекилли, хурсанд бўлганча менга қаради, мен ҳам қулиб қўйдим, иккаламизнинг ҳам қайфиятимиз кўтаринки эди. Демак, ҳали-я болаларимиз ичиди она тилимизнинг кўшиғу маталларини айтаётганлар, уларга шу кўшиғу маталарини ўргатаётган ота-оналар, бобо-бувилар кўплаб топилади.

Яқинда бир дугонам: “Неварамга ўзбек халқ кўшиқлари, мақолларини ўргатмоқчи эдим, шунча китобларни қаердан топсам бўлади,” деб қўнғирок қилиб қолди. Мен фольклоршунос олима, Беруний мукофоти совриндори Музаляна Алавияга таянган китоблар бор, деб айтдим. Биз бир вақтлар қанчадан-қанча вақтини, умрини сарфлаб, тош келса кемириб, сув келса симириб тоғу тошларни, дашту чўлларни пойи-пиёда кезиб, маънавий мулк хисобланган ўзбек халқ ашулаларини йиққан таникли фольклоршуноснинг “Ок олма, қизил олма” китобини, афсуски, ҳеч қаердан топа олмадик. Миллий кутубхонамизда 1973 йилда нашр қилинган китобдан бир нусха сақланаркан, шунинг ўқиб туришга сўрадик. Майли, нималардир сабаб бўлиб бу китоб 50 йил ичиди қайта нашр қилинмабди. Лекин бугун она тилимизга эътибор қўйганим бир пайтда болаларга аталган ўзбек халқ кўшиқларини саралаб чоп этиш вақти келмадимми? Болалар боғчаларида ўзи йўқ Қорбобо ва Қорқиз ҳақидаги кўшиқларини ўргатиш ва ўрганишдан кўра ўзимизнинг гўзал оҳанглarga қоришиқ, сермаъно кўшиқларини ўрганган фойдалирок эмасми? Ахир, болаларимиз ўзбек халқ кўшиқларини жон қулоқлари билан эшитишяпти, бирпасда ҳеч қийналмастан ёдлаб ҳам олишяпти. Нафақат ёдлашяпти, руҳан озуқа ҳам олишяпти. Қани энди Мактабгача таълим вазирлиги ташаббус кўрсатиб болаларга аталган ўзбек халқ кўшиқларини китоб ҳолида рангли расмлар, чиройли муқова-ларда қайта чоп этса. Қани энди ўзбек халқ кўшиқлари, мақолу тез айтишлари ҳар бир мактабгача таълим суфасида дастурларига махсус машғулот миссатига киритилиб, болажонларга режа асосида ўргатилса. Ана ўшанда болаларимизнинг тили бой, дунё-қараш кенг ва теран, маънавиятлари юксак бўлар эди. Асосийси, уларнинг қалбида она тилимизга меҳр-муҳаббат, уни яхшироқ ўрганиш туйғуси кучаяр эди.

**Лобар КҮЧҚОРОВА,  
журналист**

*Яқинда ўзбекман деганининг кўксини гурурга тўлдирадиган бир воқеанинг шохиди бўлди: кўпмиг йиллик тарихимиз давомида илк бор она тилимиз жаҳоннинг энг олий миқобида жаранглади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлади.*

## «ТИЛНИ ҚАТТИК КҮРИҚЛАЙДИЛАР»

Гап гурур туйғуси ҳақида кетар экан, она тилимизнинг ўнлаб асрлар билан бўйлашадиган буюк тарихидан сўз очишга ҳожаат йўқ. Инчунин, Абдулла Ориповнинг: “Она тилим, сен борсан шаксиз...”, деб бошланган шеър бундан роппа-роса эллик беш йил олдин қозғога тўқилган. Ушбу шеърнинг якуни ҳам бетакрор:

**Сен йўқолган қўннинг шўбхасиз,  
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан...**

Шоирнинг тилга эҳтиромини ҳар бир сўзда балкиб турибди. Тилни нондай азиз, оятдай муқаддас биландиганлар фақат калом ахлимикан?

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари, тилимиз бекадр бўла бошлаган пайтлар. Чирокчилик талаба дўстим Сайдулла билан у яшайдиган Умакай қишлоғига борадиган бўлдик. Бийдай дашт узра одамлар паҳсадан уй тикка қилишган. Катта йўлдан анча яёв юришга тўғри келди. Кетаямиз, ҳаммамизда тор шим, қўйлақлар баданга ёпишган, оёқда пошнаси бандлаб тулғи.

Меҳмон келганини кўриб, уй соҳиблари ошиғич пeshвоз чиқибди. Ясамалиқдан холи, самимий хурсандчилик билан қутиб олар экан, дарров битта кўй сўйишди. Ярим тунгача гурунлашдик.

Эртаси куни Сайдулла чувқоқда урчуқ йиғириб ўтирган мола билан бизни таништира бошлади:

— Бу бизнинг момашқа, энамнинг энаси! Нариги қишлоқдан мени кўргали кепти. У нево руку смотри, настоящий текетил комбинат. Олдин кўй жунини йиғиради, потом гила, аркон издепит, — дея чала-чупла русча аралаш тушунтирган бўлди у. Биз эса ёши бир жойга бориб қолган момонинг чакқонлик билан урчуқ айлантираётганига қараб турибмиз.

Қишлоқ одамлари андишали бўлишди, аммо гап келганда аёб ўтиришмайдилар. Момонинг ҳам авзойи ўзгарди:

— Нималар деб чудираяпсан? Шахарда журип, тилинг чинип қопти сен боланинг! Икки-учта ўрчисча гапди гапирип, менинг олдимда кўйи алатловур бўлаберма. Энангиздан икковимиз сенга мундай ўргатганим жўк-ку! Тилингди соқла бола, тилингди, — дея мизо жахлангандек бўлди ва яна қўшиб қўйди: — уларлар, силар хопа бўмангар тоғин. Бу менинг энг ёхши кўрган небарам, одам бўсин, ўзининг қимлигини билсин дийман-да!

Сайдулла ҳам, биз ҳам мулзам бўлиб қолгандик ўшанда. Бу эса бизга ўхшаш ёшлар учун саксон ёшли момонинг инкор этиб бўлмас аччиқ дашноми эди.

...Бундан беш-олти йиллар аввал эди, чамамда. Мустақиллик байрами арафасида тарғибот тадбирларини ўтказиш учун Термизга пойтахтдан элик нафарга яқин шоир-ёзувчи, санъаткорлар, хонандалар келишди. Санъаткорларнинг аксарияти шоу-бизнес вакиллари эди. Биз ҳам ижодкор сифатида тарғибот гуруҳи аъзолари билан туманларда юришимизга тўғри келди. Қўйилган мақсад эса битта: халқ билан мулоқот қилиб, аҳолининг қайфиятини кўтариш.

Афсуски, ўша кезларда учрашувларда уятдан кизарган пайтимиз кўп бўлган. Айтган кўшиғини хисобга олмаса, шоу-бизнес вакиллари-нинг ўзини тутишлари халқ олдида русчаллаб алмойи-жалмойи сўзлашлари гаша теғарди.

Шундан буён ўз тилини унутган бундай “оқбиллақ оймичалар”ни кўрсам “ажинам отланадиган” бўлиб қолган. Эй, барака топгур, сени ўзбек кўшиқлари элга танитди, шу кўшиқларнинг орқасидан машина олдинг, қўшқават иморат солдинг, энди шу халқни нописанд этиб русча сўзлашнинг бало борми, дейдиган одам йўқ. Надоматки, ҳозир ҳам ўзбекча гапиришдан ўзича ор қиландиганлар топилади...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтди: “Она тилимизга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг бурчимиздир”. Бу гаплардан сўнг олдимизда бир савол қилдирган бўлади: “Биз тилимизга давлат раҳбари истаган даражада эҳтиром кўрсата олаямизми?”. Лоақал юқорида келтириб ўтганим — икки ҳолатни ёдда тутган ҳолда, “ха” дейишга бироқ шошилмай туринг.

Бир олимга талаба билан уч-тўрт нафар отарчининг тилга беписанд муносабати билан улуг она тили кадрезлианиб қолармиди, дерсиз. Қошки лисоний олиффагарчилик жамиятининг бошқа катталари орасига суқилиб қирмаган бўлса! Мамлакатимизнинг минг-минглаб

спортсевар одамларини экран рўпарасига “михлаб” қўядиган футбол репортёрларини томоша қилганмизми? Эҳтимол, футбол шавки билан бўлиб, шарҳловчининг сўзларига эътибор бермагандирсиз? Ҳолбуки, шарҳловчиларимизнинг сўзлари ҳам “ўзбекча айтиладию русча эшитилади”. “Тенишга бермади” (не дал бить), “бурчак тўпини бакарди” (выполнил угловой), “хужумчи химоячидан қочиб кетди” каби изоҳларни эшитиб, гашингиз келмаган бўлса, демак, сиз тил жонқуяри эмассиз...

Реқламаларни оdatда томоша қилмаймиз, уларни ноҷор тинглаб ўтирмайиз, ҳолос. Лекин “йўғалдан самарали восита” қабилдаги хитоблар қулоққа қалнини билан боғий беътиборликдан асар ҳам қолмайди.

Тасаввур қилинг: телевизорда олис тоғ қишлоғилик илғор замондош ҳақида яхшигина лавҳа томоша қилиясиз. Ҳаммаси силлик кетаётган бир пайтда телемуҳбир “Фалон маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи қаҳрамонимиз...” дейиш билан оғзингизга олиб борган бир ошанингиздан сўз чикқандай бўлади.

“Ў, оғайни, одам маҳалла фуқаролар йиғинида яшамайди, маҳаллада яшайди”, дея ҳайқириб юборгингиз келади. Ва шу топда “тилга беписандликни ўзимиз тарғиб қилмаёмизмикан”, деган хавотир қўнғилга оралайди.

Мен туркман қардошларимизни жуда ҳурмат қиламан. Сурхон воҳаси билан туркман диёрини бир томондан Амударё, иккинчи томондан Қўхитанг тоғлари ажратиб туради. Ҳозирги кунда 2 миллион 640 мингдан кўпроқ одам истиқомат қиландиган Сурхондарёда аҳолининг 1,3 фидиги туркманлар. Ўзбеклар билан бир бовур бўлиб яшашиди. Уларнинг туркман эканлигини гап оҳангидан ажратиш жуда мушкул. Қўдача, жамоат жойларида соф ўзбек тилида сўзлашмади, аммо ўз тилларини тилингизга айтган. Бордию иккити туркман гаплашиб қолса, мулоқот ўз-ўзидан она тилига қўчади. Ўзбек тилининг хурматини сақлаган ҳолда, энди тетапоё бўлаётган боласига илк бор туркман тилини ўргатишди. Ана сизга она тилига бўлган эътибор!

Термизда Президентимиз ташаббуси билан очилган “Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази” бор. Айни пайтда марказда 172 нафар афгон фуқароси сабоқ олишмоқда. Амударёнинг нариги қирғоғидан илм истаб келган афғонистонлик ёшларнинг ўзбек тилида чиройли лутф билан гапиришларини эшитиб ҳайрон қоласиз. Улар даврасида кўп бўлганман. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон каби ўзбек шоирларининг шеърларини хусусида сиз билан баҳсга киришиб кетди, шеърларни ёдлаб олишган. Шу йилнинг февралиди ҳазрат Алишер Навоий таваллуғида бағишлаб ўтказилган тadbирда иштирок этдим. Жўзжон вайотиқдан таълим олиш учун келган талаба киз Шекибо Самадий тўқилганиб сўзлайди: “Навоий ётган заминдан эканим кўп ифтихор бағишлайди менга. Ондада ўзбекча гаплашамиз. Онамиз ўргатган тилни бизда қаттиқ кўриқлайдилар”.

Шекибо афғонистонлик ўзбеклар ҳаётидан яна кўп нарсаларни гапириб берди. Лекин унинг “тилни қаттиқ кўриқлайдилар” деган сўзи қалбимга муҳрланди...

Биз ўзбек тилининг сўзга қанчалар бой, имкониятлари чексизлигини биламиз. Бобомиз Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғоти-т-турк” девонидан тортиб, Навоийнинг тил ҳақидаги каломлари биз учун маёқ. Ўзбек тилининг нафосати ва гўзаллиги Чўпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирий каби миллат зиёлиларининг бундан қарийб бир аср олдин ёзилган асарларидан буй қўрсатиб турибди. Дарёдай тўлиқлик, кўксига ўнлаб дostonларни жо қилган бахшиларимизнинг айтимларида бу тилининг буюк пардалари сақланиб келяпти.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг маълумотига кўра, ҳозир Ер юзиди мулоқот воситаси бўлган 6912 та тил мавжуд экан. Кейинги минг йилликда 500 та тил ўлик тилга айланганлиги, охири юз йилликда 1000 та тил тарих қаърига сингиб кетганлиги бугун огоҳлик қўнғироғи бўлиб жаранглайди. Бундан эса ҳулоса чиқаришимиз лозим.

**Исроил ШОМИРОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси**

Президентимиз Ўзбекистон Мустақиллигининг йиғирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқиди Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётгани ҳақида гапирди.

Сўнги вақтларда Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс атамаси кун тартибига чиққани гоятда қувонарли, албатта. Ҳўш, бу қандай амалга оширилади? Президентимиз 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқиди бунга аниқлик киритди.

“Биз кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгилдик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, Учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак”.

## ТАФАККУР ДАРЁСИ ОҚАДИ МУДОМ

Донишманд халқимиз тарихимизда кечган икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди. Дарҳақиқат, тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг қорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўқокларидан бири бўлганини кўраемиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир кўлёмалар, турли осори-атикалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдириларидан далолат беради. Бинобарин, миллатнинг ҳар томонлама тараққиёт сари уйғониши бўлмиш Ренессанс ҳодисасини, аввало, миллий тилга бўлган юксак эътиборсиз тасаввур қилиш мушкул. Илм-фан, техника ақл бовар қилмас даражада ривож топганига қарамастан, дунё ҳам-жамияти сайёрамизда нечта тил борлиги ҳақида охириг аниқ маълумотга эга эмас. Баъзи маълумотларга кўра, дунё тилларининг сони етти мингга яқин. Мазкур тиллардан 14 тасида инсониятнинг учдан икки қисми гаплашади. Ушбу тилларнинг ҳар бирида сўзлашадиганлар сони эса 50 миллиондан зиёд. Дунёдаги 70 тилда гаплашадиганлар 5 миллиондан кўп бўлса, қолган тилларда мулоқот қиладиганлар 1 миллиондан кам.

Бу маълумотларни нима учун келтиряпмиз?! Биз ўзбек тилининг дунёдаги нуфузини ошириш устида тинимсиз гапираямиз-у, лекин буни қандай қилиб бажариш мумкинлиги устида етарлича бош қотирмаяпмиз. Биринчидан, инглиз, рус ҳамда бошқа тилларда Ватанимиз, халқимиз ва ўзбек тили бўйича келтирилган халқаро миқёсдаги маълумотларни жиддий қайта кўриб чиқиш, илмий асосланган, расмий тан олинган манбалар асосида ўзбек миллатининг дунёдаги ўрнини ва жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини холис кўрсатиб бериш зарур. Бундай шарафли ва масъулиятли вазифанинг салмоқли қисми зукко тилшунослар зиммасига тушиши аниқ.

**Гулбахор ЖАББОРОВА,  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Таълим сифатини назорат қилиш  
давлат инспекцияси ходими**

**Давоми, бошланиши 1-саҳифада**

Сўз мамлуклар ҳукмронлиги давридаги эски ўзбек тилининг маънавий бойлиги бўлган луғатлар ҳақида кетар экан, кейинги давр туркологларининг луғатларида “Атгуҳфа.” луғатидаги сингари ўзбек тилига мансуб сўзлар ва иборалар учрайдимиз, деган савол туғилиши мумкин. Биз ўрта асрлардаги “Бадойи ал-луғат”, “Абушка”, “Санглох” каби луғатларни назарда тутмаёмиз. Бу луғатлар чиғатой тилидаги лексик катламни камраб олгани илм аҳлига маълум бўлгани учун улар ҳақида тўхталишни лозим топмадик. Колаверса, бу луғатлар ҳақида ўзбек олимлари Ботирбек Ҳасанов, Эргаш Умаров жиддий тадқиқотлар олиб борганлар. Бизни кўпроқ жаҳоншумул турколог В.В.Радловнинг 8 жилддан иборат “Туркий шевалар луғатини тузиш тажрибасидан” (“Опыт словаря тюркских наречий”) кизиктиргани учун шу луғатга эътибор қаратамиз. Бу луғатга В.В.Радлов ярим аср умрини сарфлаган. Яна у камтарлик билан “луғат тузиш тажрибасидан” деб айтган эди. Луғат кадимги туркий тил ҳамда В.В.Радлов яшаган ва илмий фаолият олиб борган XIX асрдаги жонли туркий тилларни ва лексик катламни камраб олган. Асарият туркий тилларга оид – олтой, турк, ёқут, кирғиз ва қатор туркий диалектлардаги сўзлар мазкур луғатга киритилган ва диалектал сўзларни ана шу луғатдан топиш мумкин. Шунингдек, кадимги туркийча сўзларнинг урхун алифбосида, эски уйғур-турк ёзувида, манҷурча сўзларнинг манҷурча ёзувида берилгани В.Радловнинг катта мақсадлари деб очаси эди. Бу туркий тилларнинг келиб чиқишида олтой назариясини ўзи тўплаган сўзлар асосида далиллаш эди. Олтой назариясида кўра, туркий тиллар миллоддан олдинги V асргача ягона олтой тилида мужассамлашган. Радлов бу луғатини туркий тилларни киёсий ўрганиши бўйича катта тадқиқотининг деб очаси сифатида бошлади. Муаллифининг нияти бўйича тадқиқот луғат матни ва киёсий грамматикадан иборат бўлиши керак эди. У луғат матнини тузди, аммо киёсий грамматикани ёзишга улгурмади. Бугунги кунда гарчи рус туркологиясида Радловнинг қоялари амалга оширилаётган бўлса-да, Ўзбекистонда бу соҳадаги ишлар йўқ ҳисоби. Сўзимиз аввалида айтилгандай, туркий тиллар орасида ўзбек тили ёзма ёдгорликларга бой бўлиб, узлуксиз равишда туркий тилларнинг ҳамма босқичларини босиб ўтган. Шу боис Радлов бошлаган туркий тиллар луғатини мукаммаллаштириш ва киёсий грамматикасини яратиш учун материаллар етарли. Колаверса, эски ўзбек тилига, хусусан, чиғатой тилига мансуб сўзларни Радлов луғати сўзликлари орасидан ажратиб олиб, алоҳида киёсий луғат тузиш ҳам бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Радлов луғатининг эски ва жонли ўзбек тилига муносабати ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун айрим кузатишларимизни ўртага ташлайми. Луғатда, асосан, туркий сўзлар берилган. Масалан, биринчи жилддаги илк сўз ў(в) бўлиб, қайси туркий тилларда бу сўзнинг қўлланишига ҳам ҳаволалар берилган. “Қиссан Сайфулмулк”дан бир мисол ҳам келтирилган: *Сайиул Мулк о(в)га чиққандин кин...*

В.Радловнинг бу луғати чоп этилганига бир юз ўттиз йил бўлди. У эллик йил давомида луғат устида иш олиб борганини ҳам инобатга оласак, яқин бир юз саксон йилдан олдинги туркий тиллар ва диалектларнинг ҳолатини ўзида ифода этади. Радловнинг мазкур луғати туркий тилларнинг том маънодаги киёсий луғати бўлиши учун келгусида ўзбек тилидаги туб туркийча сўзлар ва чиғатойча сўзлар асосида киёсий луғат тузилса, ўйлаймизки, ўзбек тилининг луғат таркиби бойийди. Ўзбек тилидаги умумтуркий сўзлар ҳам киёсий луғатларда ўз ифодасини топади. Радловнинг бу луғатига материал сифатида Сибирдаги ва Ўрта Осиёдаги туркий халқларнинг тили ва диалектлари хизмат қилган. Шу боисдан эски ўзбек тилидан бошлаб шу кунгача давом этиб келаётган айрим арабий ва форсий сўзлар ҳам луғатда бор. Бу сўзлар турк тилидан луғатга киритилган. Ўша арабий ва форсий сўзларни асли чиғатойчада кўп ишлатилган сўзлар сифатида қараш керак. Масалан, *садоқ, соддадил, садаф* каби сўзларни мисол сифатида келтириш мумкин. Чамаси, Радлов туркий сўзларни луғатга киритишни ва том маънодаги туркийча луғат тузишни мақсад қилган. Аммо араб ва форс сўзларининг луғатдан жой олганидан тасаввур қилиш мумкинки, чиғатой тилининг макъеи, яъни эски ўзбек тилининг макъеи Ўрта Осиё туркий тиллари орасида баланд бўлган. Зотан, чиғатой тили нафақат Ўрта Осиёда фаолият кўрсатган, балки Олтин Ўрда адабий тили, мамлуклар давлатидаги адабий тил том маънода чиғатой тилидан иборат бўлган. Радловнинг мазкур луғати асосида туркий тилларнинг киёсий луғати амалга оширилмаган бўлса, тилимизнинг луғат таркиби бойишини кузатган ва туркий тиллар орасидаги макъеини кўрган бўлар эдик. Ва кенг оммага тушунарсиз бўлган арабий ва форсий сўзлар ўрнини туркий сўзлар эгаллаши ҳақида тавсиялар ишлаб чиқиш имкони бўларди. Луғатлар фақат ўзбек тилининг бойлигини кўрсатиб қолмайди, балки халқимизнинг тарихий ва маданий алоқаларини кўрсатадиган далиллардан бири сифатида ҳам хизмат қилади. У манҷурча сўзларни шунчаки киритмаган, балки туркий тилларнинг киёсий луғатларига материал сифатида фойдаланиш учун киритган. Ўтган асрнинг ўрталарида туркология илмида В.Радловнинг мазкур луғатига турлича муносабатлар бўлган эди.

Мазкур луғат Россия ва Туркияда жаҳон туркологиясининг катта ютуғи сифатида баҳоланган. XX асрнинг биринчи чорагида Радловнинг

мазкур луғатини турк тилига таржима қилиб чоп этириш учун Истанбулда комиссия тузилган. Аммо рус туркологиясида ўзбек тилининг катта билимдони академик А.Н.Самойлович, турк олими Заки Валидий Тўғон комиссиянинг бу таклифига қарши чиққанлар. Бунинг ўрнига ўша пайтдаги турк ва рус туркологлари ва бошқа мамлакатлар туркологларини жалб қилган ҳолда, ҳамкорликда Радловнинг луғатидаги камчиликларини тузатиш, қайта ишлаш, янги йиғилган материаллар билан тўлдириш ҳақида фикрлар билдирилган. Энг тўғри ва мантиқли фикр мана шу эди. А.Самойлович ташаббусни қўлга олиб, В.Бартольдга Радлов луғатини қайта нашр этишни Россия Фанлар академияси ўз зиммасига олишини таъкидлаган. А.Н.Самойловичнинг ташаббуси мантиқан тўғри ва ҳолис эди. Аммо ўша режалар амалга ошмай қолди. Агар амалга ошганда, шубҳасиз, ўзбек тилидаги туркий сўзлар ҳам, албатта, ўша луғатдан жой олиши аниқ эди.

В.Радловнинг луғатида сўзликнинг туркча таржимаси ўрни-ўрни билан берилган. Агар бу луғат Туркияда таржима қилиниб, ўша ерда чоп этилганда эди, собик иттифок ҳудудидаги туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилидаги туркий сўзлар мазкур луғатнинг туркча таржимасидан ўрин ололмаслиги мумкин эди. А.Самойловични ҳар доим – бутун илмий фаолияти давомида ўзбек тилининг равнақи кизиктириб келган. Шу билан бирга Туркистон ўлкасидаги тарихий ҳужжатлар, ўзбек адабиёти тарихига оид манбалар, масалан, Бобур “Девон”и қўл-ёзмаси унинг илмий фаолиятида асосий ўрин эгаллаган эди.

**ОНА ТИЛИГА ХИЁНАТНИ ТИЛ ЭГАЛАРИ КЕЧИРМАЙДИ**

Ўзбек тилининг илмий таҳлилига хорижда – Шарқда, шунингдек, Ғарбда ҳам юқоридаги-

# ТИЛ «МЕН» ВА ОЛАМ БИРЛАШАДИГАН МУҲИТДИР

дай амалий эътибор сусаймаган. Айниқса, А.Н. Самойлович В. В.Бартольдга ёзган хатларидан бирда ўзининг қисқа мундтадаги режасини куйидагича баён қилади: “Учта грамматикани — крим-татар, ўзбек, усмонли-турк тиллари грамматикасини ёзиб туғатганимдан кейин, асосий эътиборни туркий тилларнинг киёсий грамматикасига оид ишга қаратмоқчиман. Бу ҳақда бир пайтлар Готье (*француз тилишуноси – Н.Р.*) менга таклиф берган эди”. Ўзбек тилининг равнақи ва халқаро миқёсдаги шон-шухрати учун бошқа миллатга мансуб олимларнинг бу қадар жон куйдириши одамни қувонтиради. Аммо ўз миллатимизга мансуб одамнинг ўзбек тилининг тарихи, бугунги ҳолати тўғрисида алмойи-алжойи сўз юритиши баъзан одамни хайрон қолдиради, ҳатто ғазаблантиради. Мен интернетдан олган бир маълумотни шу ўринда келтириб ўттишни лозим топдим.

Москва давлат университети қошидаги Осиё ва Африка институтининг Марказий Осиё ва Кавказ кафедраси профессори, ўзбек тили муаллими Тоир Махаматов Sputnik мухбири билан қилган суҳбатиде ўзбек тили ривожига рус тилининг аҳамияти ҳақида сўз юритиб, куйидагиларни баён қилади. “Ўзбекистонда чоп этиладиган газета ва журналларни варақласак, ўзбек тилига рус тили орқали кирган қўллаб лотинча терминларини учратамиз. Ўзбек тили форсий, эски туркий, араб ва лотин тилларининг ижодий синтети асосида шаклланди. Масалан, ўз вақтида “самолёт” сўзидан воз кечиб “тайёра” деб айтадиган бўлдик. Аммо бу беъъманлик эканини кейин тушуниб етдик ва яна “самолёт” сўзига қайтдик”.

Махаматовнинг қарашича, Ўзбекистон Республикаси бу сингари қонунлари билан (*Давлат тили тўғрисидаги қонун назарда тутилган*ти – Н.Р.) тенгликни, бир хилликни шакллантиришга ҳаракат қилаётганини тамомилга табиий деб ҳисоблайди. Аммо Махаматовнинг фикрича, бир неча тилларни қабул қилиш энг тўғри қарор бўларди.

Т.Махаматов гапида давом этади: “Мен Тошкентда бўлиб тураман, ИИВ тизимда, Халқ таълими вазирлигида ва бошқа соҳаларда ишлайдиган рус миллатига мансуб мутахассислар билан учрашаман. Улар рус тилида сўзлайдилар, ўзларининг ҳужжатларини ҳам рус тилида ёзадилар. Энг тўғри вариант – давлат тили сифатида учта тилини: ўзбек, рус ва инглиз тилларини киритишдир”.

Махаматовнинг бу гапларини ўқиб, соғлом фикрлайдиган, вужудига ўзбек қони оқаётган одам ўзининг она тили тақдири тўғрисида бундай фикрлаши, маънисиз, тузуриқсиз, куракда турмайдиган таклифларини бериши бирон қилига сиғмайди. Махаматов жаноблари гарчи ўзбек тили бўйича профессор лавозиминда ишласа ҳам, назарий билими ҳаминқадар, жуда ноқор экани унинг ўзбек тилининг тарихий шаклланишига оид қарашларида ўзини кўрсатиб туради, гапларидан маълум бўлади. Лотин тили ўзбек тилининг шаклланишига асло таъсир

эتماгани ҳамма тилшуносларга аён. Бизнингча, Тоир Махаматов ўзбек тилига бошқа тиллардан сўз ўзлашишини назарда тутган, чамаси. Аммо сўз ўзлашиши ва ўзбек тилининг тарихан шаклланиши тамомилга бошқа тушунча ва ҳодисалардир. Юқорида мен айтиб ўтган турколог А.Н.Самойлович ўзбек миллатига ёки бирон туркий қавмга асло алоқадор эмас. Уни ўзбек тилининг бойлиги ўзига жалб қилган. А.Н.Самойлович 1925 йили В.Бартольдга ёзган яна бир хатида Истанбулда амалга оширадиган ишлари ва режалари ҳақида сўз юритиб, куйидагиларни ёзади: “Туркология институтига кўп вақтимни ўтказаман. Бу ерда бўлганимда ўзимни худди уйдагидай хис қиламан. Туркология институтининг асосий таркиби ҳозирча Кўпурилизодадан, крим-татар миллатига мансуб кутубхоначидан, бошқирд миллатига мансуб кутубхона ёрдамчисидан ва қоровулдан иборат.” Қарангки, Кўпурилизода – бутун бошли Туркология институтининг мазмуни. Илмга ана шундай ёндашув туркологиянинг пойдевори бўлган туркий тилларга доимо ҳурмат билан муносабатда бўлишни такозо қилади.

**ТУРКОЛОГИЯ — ЎЗБЕК ТИЛИ РАВНАҚИ УЧУН АСОСИЙ ОМИЛ**

Маданий-тарихий алоқалар тилларнинг бойиши учун муҳим омиллардан биридир. Масалан, славян тилларида бир қатор туркийча сўзларнинг борлигини биламиз: *кирпич, айва, ёпиқчиқ* ва ҳоказо. Ёки келиб чиқши туркийча бўлган славян тилидаги бир қатор фамилиялар ҳам туркология учун, жумладан, ўзбек тилшунослиги учун янгилик эмас. Славян тилирига оид ёзма ёдгорликларда бу сўзларнинг мавжудлиги бугун янгилик бўлмай қолди. Колаверса, машҳур рус турколог Н.А.Баскаковнинг 1974 йили нашр этилган “Шаркий славян тилларида туркийча сўзлар” (“Тюркизмы в вос-

номи билан атайди. Ўзбекхоннинг ҳукмронлиги йилларида “Ўзбекиён” деган термин тарихий асарларда илк бор учрайди. XIV асрда яшаган форс тарихчиси ва географ Ҳамдулло Қазвиний Озарбайжонга юриш қилган Ўзбекхоннинг аскарларини “Ўзбекиён” деб атайди. Бу воқеа 1355-1356 йилларда бўлган эди. Қазвиний Олтин Ўрдани “мамлакати Ўзбек” деган ном билан юритган. “Ўзбекиён” деган ном жамики Олтин Ўрда аҳолисининг умумий номига айлиниб қолди. Шунинг учун ҳам Абулғози Баходирхон “мамлакати Ўзбек” номи Олтин Ўрданинг ҳамма ҳудудига нисбатан ишлатган эди.

“Игорь жанғномаси” матнидаги қипчоқ тилига мансуб кўплаб сўзларнинг туркийча эканини Ў.Сулаймонов изоҳлаб берган. Масалан, асар қаҳрамони Всеволоднинг жанговарлик лабақати *буйтур* сўзи орқали ифодаланишини изоҳлайди. Бу ёдгорликни кўчирган котиб мазкур ўзбекча сўзнинг славянча эквивалентини топа олмагани учун ўзбекча *ботур* сўзини славянча талаффуз билан *буйтур* тарзида қўллаган.

Бу сўзнинг рус тилида Ў.Сулаймонов талқинига ҳамоҳанг маъносини излаб “Википедия”га мурожаат этдик. “Википедия”да *байтур* ботир, жанговар маъноларини ифодалашни кайд этилган. *Байтуров* фамилияси ўзбекча *Ботуров*га тенг келиши тўғрисида ҳам айрим изоҳ ва шарҳлар бор.

Ёки Ў.Сулаймонов мазкур китобида келтирган бир қатор умумтуркий сўзларнинг шумер ёзма ёдгорликларида (миллоддан олдинги IV минг йиллик бошлари) **ада (ота), ама (она), ту (туғмоқ)** каби бир қатор сўзларнинг учраши ҳақида келтирган мисоллар ва уларнинг талқинлари ҳам анча йиллардан бери туркологияда мунозара бўлиб келади. Кимдир шумер тили туркий тилларга қариндош бўлгани учун умумтуркий сўзлар бор деб айтса, кимдир сўзларнинг фонетик қиёфасидаги бир хиллик ва

маъно жиҳатдан ўхшашлиги тасодифдир, қариндошлик йўқ, деб қарайди. Шунини инобатга олиш керакки, от туркумига мансуб сўзларнинг ўзинигина маънодош бўлса, бу ҳар иккала тилининг қариндошлигига шубҳаланишга ўрин бўлиши мумкин. Аммо феъл туркумига оид сўзларнинг (юқоридаги ту- туғмоқ феъли сингари) ўзбек тилидаги ёки бошқа туркий тилдаги сўзга шакл ва маъно жиҳатдан уйғунлиги тилларнинг қариндошлигини далиллашга хизмат қилади.

Ўзбек адабиёти тарихига оид матнларда хали кенг оммага тушунарли бўлмаган, тушуниш учун луғат талаб қилинадиган сўзларни муаллифлар матн ичида, ўз ўрнида сўзнинг таржимасини бериши ёки талқин қилиши анчагина муаммоларнинг олдини олади. Масалан, Олтин Ўрда ўзбек адабиётига мансуб “Қисаси Рабғузий”, “Нахжул-фародис” номли асарлар шу жиҳатдан диққатни тортади. “Нахжул-фародис” миллодий 1358 йили ёзилган. Бу тўғрида асарнинг ниҳосида айтилган. Китобни кўчирган котибнинг айтишича, “Нахжул-фародис” муаллифи китобни ёзиб туғатган, орадан икки кун ўтиб, “дорулфаноудан дорулбакога рихлат қилгани”, бу китобдан кўп аломалар фойдалангани баён қилинган. Котибнинг бу маълумотидан китоб ўз даврида анчагина машҳур бўлган қўрилади. Бу маълумотлар ҳам муҳим. Аммо энг муҳими, “Нахжул-фародис”нинг тил хусусиятидир. Асар, асосан, туркий сўзлар заминига, ўзбек тили тарихида кенг истифода этилган сўзлар заминига пайдо бўлган. Зотан, Олтин Ўрдада диний маданият, хусусан, ислом билан бир қаторда туркий адабиётга ва туркий адабий тилига эътибор қучайди. Гарчи бу даврдаги адабиёт – туркий адабиёт, тил – туркий тил деб юритилган бўлса ҳам, туркий тили халқлар орасида алоҳида макъе туғган ҳар бир ўзбек китобхонига Олтин Ўрда адабий мухитида яратилган асарлар бугунги кунда ҳам жуда яқин. Олтин Ўрда маданий мухитида эски ўзбек адабий тилининг 3- гуруҳидаги адабий тил амалда экани ва **й-** гуруҳи адабий тилига ўттиш жараёни давом этаётганини кузатилади. Бу тил **ўғуз-қипчоқ туркий адабий тили** деб юритилади.

“Нахжул-фародис” Олтин Ўрданинг асосий аҳолиси хали араб ва форс тилларини умуман билмаган мўғулларни мўлжаллаб ёзилгани ва уларга ислом йўлини кўрсатишга қаратилгани учун уларга тушунарсиз сўзлар изоҳлаб борилган. Арабий-форсий сўзлардан имкон қадар мазкур асарда деярли фойдаланишдан муаллиф воз кечган. Айни пайтда оммага тушунарсиз сўзларни, ибораларни, ҳадисларни матн ичида эски ўзбек тилида шарҳлаш Олтин Ўрда адабиётига хос бўлиб, “Қисаси Рабғузий” ва “Нахжул-фародис”да учрайди. Бизнинг кузатишимизча, туркий тилдаги бошқа асарларда учрамайди. “Нахжул-фародис”дан олдинган куйидаги мисолга эътибор берилик. Биз арабча ҳадисни келтирмасдан фақат эски ўзбек тилига муаллиф қилган таржимасини берамиз:

*Пайгамбар а.с.қа Мустафа ат берилди. Мустафа араб тилинча одрулмиш темак болур* (Арабча ҳадиснинг мазмуни: Имом Бағовий раҳматуллоҳи “Машоибх” лотин китобида куйидаги ҳадисни келтирган. Пайгамбаримиз а. с. шундай айтган экан: Тангри таоло Исмоил пайгамбар ўғилларидан Қурайш қабиласини танлаб олди. Яна Қурайш қабиласидан Хошим деган одамнинг ўғилларини танлаб олди. Яна ўша Хошим деган одамнинг ўғиллари орасини танлаб олиб, ўртага чиқарди. Шу сабабдан Пайгамбар а.с.га Мустафо исми берилди. *Мустафо - араб тилида танлаб олган маъносини бидиради.*

Куйидаги диний истилоҳларга асар муаллифи матида берган ўзбекча изоҳлар ҳам диққатга сазовордир: *Амри маъруф маъниси эдгулукка буйурмақ бўлур тақи наҳий мункар маъниси яманликдан йшмақ бўлур – Амри маъруфинг маъноси яхшиликка ундаш бўлур, яна наҳий мункарнинг маъноси ёмонликдан қайтариш бўлур.*

Ёки “Қисаси Рабғузий”дан олинган куйидаги хикоятда ҳам юқоридагидай усулни кўрамиз: *Умар розияллоху анху айди: “Кайдин келдинг?” теб. Айди: “Ироқ элиндин, яъни Ироқдин келдим”. Сўрди: “Не синоват билурсан?” Айди: “Ҳобикман”. Араб тилинча бўчи бўлур. Яна сўрди: “На ишларга келдинг?” Айди: “Уёрану келдим, яъни илм ўргангани келдим”.*

Биринчи мисолда муаллиф Маҳмуд Али ибн ас-Сароий оятнинг таржимасини, иккинчи мисолда диний истилоҳнинг ўзбекча талқинини, учинчи мисолда эса Рабғузий сўзнинг талқини ва изоҳини берапти. Ҳар учала мисолда ҳам бир мақсад қўйилган — асар матнини китобхонга луғатсиз ва кимларнингдир талқинисиз тушунарли қилиб етказишдир. “*Үйида бир мушусим бар. Бу гўштларнинг гуддаларини йишиб бизнинг мушукка олиб борил даяр эрди, гудда теб этнинг безаринча айтурлар (216-бет).*

Асар муаллифининг талқинидан қўринадик, у асарни ёзиш жараёнида, бир томондан, кенг омгани назарда тутган, иккинчи томондан, Рабғузий ҳам, Маҳмуд Али ибн ас-Сароий ҳам туркий тилга, яъни эски ўзбек тилига бўлган муҳаббатини намойиш қилганлар. Муаллифнинг бу мақсадлини асарда келтирилган арабча оятларнинг ўзбек тилида берилган таржимаси ҳам далиллайдди. Деярли “Нахжул-фародис” билан бир даврда ва бир ўлкада яратилган “Қисаси Рабғузий”да келтирилган арабча оятларнинг ўзбекчаси берилмаган, аммо юқоридагидай арабча сўзларнинг таржимаси берилган, ҳолос.

Ўрни келганда айтиш керакки, ҳар иккала ижодкорнинг матни тушунишда кенг омгани назарда тутиб шу йўлни танлаганидан биз сабоқ чиқаришимиз керак. Бугунги кунда газета ва журналларда омма тушунмайдиган сўзларни қалаштириб ташлаётган журналистлар, муаллифлар Рабғузий билан Сароийдан ўргансалар маъкул иш бўларди. Масалан, турли расмий ҳужжатларда, оммавий ахборот воситаларида *мониторинг қилмоқ* деган ибора кўп гапирилади, аммо омма мониторинг нима эканини тушунадим? Йўқ, тушунамайди. Бу сўзнинг русча “Википедия”да батафсил изоҳи берилган. Ўзбекчага таржима қилсак, “донийи равишда кузатиб бориш” маъносини билдиради. Шу иборани мониторинг қилмоқ ибораси ўрнига киритсак, мақсадга эришиш мумкин-ку! Фақат ҳафсага керак.

Юқоридаги ҳар иккала асарнинг, асосан, соф туркий сўзлардан иборат экани худди Қорахонийлар салтанати маҳсули бўлган “Қутадғу билиг”ни эслатади. “Қутадғу билиг”да ҳам олти мингдан ортиқ сўз қўлланиши ҳолда, шундан юзга яқини араб ва форс сўзлари, қолгани туркий сўзлардир. Зотан, “Қутадғу билиг” Қорахонийлар сулоласида амал қилган хон ёки хоқония тилига асосланган бўлса, Олтин Ўрда туркий адабий тили, бир томондан, Қорахонийлар даври адабий тилининг давоми, иккинчи томондан, қипчоқ ва ўғуз тиллари Олтин Ўрдада ягона адабий тилининг шаклланишига хизмат қилди. Қорахонийлар сулоласидаги хон тили Олтин Ўрда адабий тилига таъсир этганини ҳам эътироф этишимиз керак. Зотан, “Қутадғу билиг” Олтин Ўрдада маълум ва машҳур бўлганини кўрсатадиган далиллар бор. Жумладан, Олтин Ўрданинг маъмурий мақсадларидан бири Саройчиқда (Ўрол дарёси яқинида) археологик қазувлар натижасида бир хум топилган. Хумга “Қутадғу билиг”дан бир парча битилган экан. Бу қипчқ далил Олтин Ўрдага Қорахонийлар сулоласидаги туркий тилининг таъсирини ҳамда мавқеини кўрсатишга хизмат қилади.

Умуман олганда, Олтин Ўрда давлатидаги туркий адабий тил мавқеи жиҳатдан ўзидан олдинги Қорахонийлар давридаги адабий тилдан мавқе жиҳатдан бирмунча юқорирок экани қўрилади. Мисрда 1250 йилдан 1516-1517 йилгача ҳукм сурган Миср мамлуклар давлатида ҳам эски ўзбек тили ҳукмрон тилга айланган эди. Сайфи Сароийнинг “Гулистони бит-туркий” асари ва унинг замондошлари асарлари Олтин Ўрдадаги эски ўзбек тилининг давомидир. Келгусида Олтин Ўрда адабий тили ҳақида махсус тадқиқотлар олиб борилиши керак. Зотан, бу давлатда амалда бўлган тил эски ўзбек тилининг айнан ўзи, яъни Олтин Ўрдада ва Миср мамлуклар давлатида яратилган асарларга кўпроқ биз ўзбек халқи даъвогармиз. Сайфи Сароийнинг “Гулистони бит-туркий” асарининг ва унинг Миср мамлуклар давлатида ижод қилган замондошларининг асарлари тили фикримизга далилдир.

